

АМИРҚУЛ КАРИМ

КЎК
ҚУШЛАРИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2015

УЎК: 821.512.133.3

КБК: 84(5Ў)7

К – 42

Карим, Амирқул

Кўк қушлари: шеърлар ва таржималар / Амирқул Карим. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 204 б.

ISBN 978-9943-27-477-8

Шоир Амирқул Карим шеърият мухлисларига туйғубахи дилбар назми билан кўндан таниш. “Кўк қушлари” китобига шоирнинг Ватан, она замин, муҳаббат ва умр моҳияти ҳақида ёзилган сара шеърлари, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималари жамланди. Ушбу шеърий гулдаста зукко шеърият ихлосмандларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133.3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-477-8

© Амирқул Карим, “Кўк қушлари”. “Янги аср авлоди”, 2015.

ШЕЪР – ОЛАМНИ АНГЛАШ ВОСИТАСИ

Навоий ижодини кўпчилик шеър ихлосмандлари каби мен ҳам севиб ўқийман. Ундан олган завқларимни улашиб талай шеър ва мақолалар ёзганман. Бу гал “Ҳайратул аброр”ни ўқиб, Навоийнинг сўзга, шеърга қандай муносабатдалигини баён қилганидан ғоят таъсирландим.

Даҳо шоир шеър санамининг кўзларига авайлаб сурма суришини, сочларини киприклари билан тарашини, ёноқларини юрак қони билан қизартиришини, гўзал юзига кўзининг қарочиғидан ранг олиб хол қўйишини, маъно дурларидан пероҳан – либос кийдириб, уни халқ томон хиром қилишидан завқланишини айтган эди.

Ана шу шеър санами қирқ йилдан зиёдки, менинг ҳам оромимни ўғирлаган. Қирқ йилдан ошибдики, ундан завқ оламан, эътиборсизлигидан дардим ортади, унга туйғуларимни баён қиламан, бепарволигидан изтироб чекаман. У ҳаётимга беназир мазмун бахш этади. Умр ичидаги ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган умрни ҳада қилади.

У гоҳ туйғу, гоҳ фикр, ташбеҳ, гоҳ оҳанг бўлиб келади қошимга. У кела бошлагандан бу дунё ташвишларидан узиламан гўё. Мен учун шеърят оламни англаш воситаси бўлиб келди. Шу боис ҳар бир мавзуда тадқиқот қилишга уринаман. “Муҳаббат нима? Ватан нима? Она ким? Тинчлик нима? Болалик нима? Виждон нима? Ҳижрон нима?” Мана шу каби саволларга ўз жавобимни топиш менинг вази-

фам. Уларга жавоб излаб Ўзлимимни топиш илин-
жидаман.

Ўзбек деган миллат фарзанди эканимдан, гоҳ
“Хушбўйистон” гоҳ, “Шоиристон ва Шеърестон”
дея эркаланганим – Ўзбекистон деган Ватаним
борлигидан, буюк мерос вориси эканимдан фахр
туяман. Юрт корига ярагим келади. Юрагимдаги
дўппини авайлайман. Лангарчўп виждоним билан
қалтис дорлардан ўтаман. Туғилган юртимда чум-
чуқ кипригига қўнишга улгурмаган субҳидамда
Зухро юлдузи менга бокира тонглар туғиб беради.
Балки Бўзтўрғайнинг энтикишидан шаклланган
бу шахсим Ватан ранглирининг турфалигидан
завқланиб, оламга сиғмай қолади. Қуёшдай порлай
бошлаган меҳримнинг майин патлари билан Вата-
нимни силаб қўйгим келади. Шиғил ва бобомерос
боғларга боғбон, юрт шаънига қалқонлик масъулия-
тини сезаман. Дардимни сўзларга юклайман. Гоҳи-
да ербағир бўлиб қолгандек туюладиган шеър шаъ-
ни мени маҳзун қилади. Шеърни кўк учун, парвоз
учун яралган қуш деб биламан. Шеърят шаъни
бир қуш бўлиб самоларга учишини, юксалишини
хоҳлайман.

Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориф шеър-
ни “Эҳтиёж фарзанди”, деган эдилар. Дарҳақиқат,
шеър дилга нисор этилган туйғуларнинг сўзга, му-
сиқага айланиш эҳтиёжидан бунёд бўлади. Шеър
сўз шамойилида кўринган туйғулардир. Мажмуа-
даги шеърларнинг барчаси мен учун шу боис ғоят
қадрли. Уларни сизнинг қошингизга йўллаяпман,
азиз шеърят мухлислари. Улар Сизни бефарқ қол-
дирмайди, “Кўк қушлари” бўлиб Сизга завқ бағи-
шлайди, деб умид қиламан.

Амирқул КАРИМ

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Токи эзгуликка қодирдир юрак,
Лабларда тинчлик деб туғилса тилак,
Иқбол бунёдига чоғланса билак,
Фаровон бўлади ота маконим,
Чароғон бўлади Ўзбекистоним.

Токи эътиқодда собит диёнат,
Тарозу қошида мулзам хиёнат,
Қойим бўлолмагай асло қиёмат,
Танимга сингади ҳалол бу ноним.
Диломон бўлади Ўзбекистоним!

Токи Ориятдир Ватанга посбон,
Шижоат меҳнатдан бунёд этар шон,
Йигит эл, ёр учун садқа қилар жон,
Тупроғим ёв енгмас баланд қўрғоним,
Гулафшон бўлади Ўзбекистоним!

Тотувлик аслида юртнинг сарвати,
Гардсиз виждон эрур инсон давлати,
Поклик улғайтирар миллат савлатин,
Юлдузлар тахтига тилло нарвоним,
Каҳқашон бўлади Ўзбекистоним!

ИСТИҚЛОЛ

Энди баҳор қилар тантана,
Сўзсиз эриб кетар кир қорлар.
Ўзин таний бошлайди майса
Ва яшашга ҳуқуқи борлар.

Ортиб борар сувлар шиддати.
У шубҳасиз оқади чўлга.
Боғда қарға хониши тинар
Тил киради ростгўй булбулга.

Олам кўркамлашар кун сайин,
Хушдир орзу васлини кўрмак.
Қуёш имкон бўлиб сочар нур
Ҳақиқатдек юз очар куртак!..

ДАШТ ЛАВҲАСИ

Тарам-тарам майдонлар сувда,
Шўр ювади сарпойчан одам.
Ёлғиз ернинг шўри эмас у,
Ўша замин – менинг пешонам!

ҲУМО ҚУШИ

Болаликдан сен эркимнинг висолисан,
Фазо кезиб руҳга осмон мисолисан,
Онажоним, Ватанимнинг тимсолисан,
Ҳумо қушим, эртақлардан қадрдоним,
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним.

Гоҳи ёниб истиқлолнинг ҳавасида,
Мазлум бўлдинг ёғийларнинг қафасида,
Кўкка учдинг шаҳидларнинг нафасида,
Ҳумо қушим, эртақлардан қадрдоним,
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним.

Самандардек қайта қанот қоқдинг яна,
Озод юртга эрк рамзида боқдинг яна,
Кўкрагимга чўнг ғурурни тақдинг яна,
Ҳумо қушим, эртақлардан қадрдоним,
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним.

Меҳрим билан патларингни силагайман,
Ватан – бешик, унга орзу белагайман,
Юртга гўзал истиқболлар тилагайман,
Ҳумо қушим, эртақлардан қадрдоним,
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним.

Сингиб кетар қуёш уфққа,
Яйловдаги сурувни ҳайдаб,
Подачи тун қишлоққа қайтар!

ХУШБЎЙИСТОН

Оқшомлари кўзингда юлдуз,
Жилваланар қуёш эрталар.
Насимида гулларнинг атри,
Димоғингни майин эркалар.
Ерда якка хушбўйистон бу
Она юртим Ўзбекистон бу!

Тоғлар, бир ён чўлу бўстони
Қўй-қўзига тўлиқ яйловлар.
Шакарлутфли туркий забони
Сарватидан битмас пайровлар.
Олам ечолмаган чистон бу
Она юртим Ўзбекистон бу!

Билак билан ишни чарчатган,
Каъбакўнгил шу инжафеълга
Фарзанд этдинг, минг бора шукур,
Шу камтарин, захматкаш элга.
Ўзбекларга якто макон бу
Она юртим Ўзбекистон бу!

Лайлаклар ҳам қурмиш ошиён,
Чаманида булбуллар бисёр.
Шу муқаддас заминга, Тангрим
Дуоларинг мудом бўлсин ёр.
Авлиёлар битган макон бу
Она юртим Ўзбекистон бу!

Қандай шоир бўлмаслик мумкин,
Бир гиёҳдай кўкарган бўлсанг.
Шавкат бобомерос кўксингни
Фурур билан кўтарган бўлсанг.
Шоиристон ҳам шеърестон бу
Она юртим Ўзбекистон бу!

КЎНГЛИМНИ КИМГА БЕРДИНГ?

Қалбимни элга бердинг,
Кўз ёшим селга бердинг,
Умримни елга бердинг,
Фалак, сендан сўроғим,—
Кўнглимни кимга бердинг?!

Шундайин ёруғ дунё,
Зулматни менга бердинг,
Кимга шодлик, ғам деган
Улфатни менга бердинг,—
Фалак, сендан сўроғим—
Кўнглимни кимга бердинг?!

Ризқимни йўлга бердинг,
Гулимни чўлга бердинг,
Ханжарни қўлга бердинг.,
Фалак, сендан сўроғим,—
Кўнглимни кимга бердинг?!

Орзум эзгу эдию, ҳайҳот,
Яшолмадим гоҳ унга кўра.
Мен кечирим сўрайман, Ҳаёт,
Сен ҳам мендан узрингни сўра!

ЎЗБЕКИСТОН

Шафақлар ол – яхши кундан нишона,
Ажиб толеъ – ажинсиз бир пешона,
Сен руҳимнинг бешигига парвона,
Субҳидамнинг жонсизларга берар жон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Инсонларинг кўнглида минг дунё бор,
Жонга пайванд Аму ва Сир дарё бор,
Тунларингда ҳатто ёруғ зиё бор,
Порлоқ шамдек қуёш мангу меҳрибон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ватан, десам томиримда қон жўшар,
Меҳринг билан дилимда вулқон жўшар,
Ҳумо қуши дил осмонимда учар,
Удир мангу ҳаётимга соябон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Сенда топдим ризқу рўзим, нонимни,
Шарафлардан сарбаланд бу шонимни,
Торозуга қўяйм, айт, жонимни,
Сенинг севгинг қурмиш дилимга макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Субҳидамнинг жонсизларга берар жон,
Порлоқ шамдек қуёш мангу меҳрибон,
Сенинг севгинг қурмиш дилимга макон,
Удир мангу ҳаётимга соябон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3811> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3811> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3811>